



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 11-mart №11 (4358)

## КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК

Она диёримизда Наврўз нашадаси кезмоқда. Наврўзий орзу-умидлар, баҳорий ниятлари кўкламона сурур ва қувончлар — сайроқи, сернаво бўлиб қолган паррандалардан тортиб тупроғи кўпчиб қолган дашту далалар, қир-адирлардаги сарин еллар билан уйғониш манзараларидан то кексаю ёшнинг хуш кайфиятию деҳқонларнинг бесаранжом ғамир-ғамирларигача — ҳамма-ҳаммаси ўлкамизда чинакамга Наврўз таралдуди бошланганидан дарак беради.

Янги кун. Янги фасл. Янги баҳор. Тириклик ва яшмоқ сурури. Яшариш ва уйғониш фасли. Озод ва обод шаҳару кишлоқларимиз. Равон йўллар, текис-ораста далалар, янги баҳорга шукрона айтаётгандек чайқалиб, тавозе кўрсатиб пeshово чиқаётган янги бог-роғларимиз. Озод ва обод Ватан, кўркам ва бетакрор она юрт, ота макон.

Кечаги кун, Бугунги кун ва, албатта, Келажаги. Яъни ким эдию ким бўлди, унинг истиқболи, келажаги қандай бўлади?

Миллий гоёмиз, Истиқлолимиз мафқурасининг синов ва имтиҳонлар, забт этган доволаримиз юксак марраларга бой бўлган, улғувор орзу-мақсадларимизнинг инъикосига айланган ўтган йигирма беш йил давомида Президентимиз Ислам Каримов томо-

ким бўлдим. Ким эдинг ким бўлдинг? Бугун бу ҳикматни ҳар бир ватандошимиз, ёшу кекса, эркагу аёл ўз қалбига жо қилиб, ўз жисму жонига асраб-авайлаб юрмоғи керак, дейилса муболага бўлмас. Ҳар бино, ҳар иншоот, ҳар йўл билан ҳар кўприк янги онг ва тафаккур, озод юрт тимсоли бўлиб қад ростлаётган, халқнинг орзу-мақсадлари ўз бунёди билан бўй кўрсатаётган шу улғу ва муборак кунларда элу юрт тақдирини ифодоловчи кўтлуг гоё ва ҳикматлар замондошларимиз, айниқса, ёшларимиз юрагига бедор яшмоғи зарур. Сертахлика дунёда нима гаплар бўлапти — ҳаммамизга маълум. Она Ватанимизда қандай буюк ўзгаришлар бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Қашқадарёнинг Яққабогиданки, ўн йил мусиқа мактабиде таълим олиб, бугундй майсасини эслатувчи ўн олти яшар қизалоқ пианинода Шопен мусиқасини чалиб, Испаниянинг Барселона шаҳрида ўнлаб мана-ман деган мамлакатлар ичида биринчи ўринни олиб келар экан — бу ҳолатга севиноч гурурдан кўзга ёш қалқмай не қилсин?! Испания, Барселона деган жойлар у қизалоқнинг момоларининг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган бўлса, кўзлари чақоққина, капалакдай шу қизчанинг бахту толеининг таърифи шарофати нимада деб ўйлайсиз?

Ҳар хил касб, турли соҳалардаги замондошларимизнинг бугун, сиз азиз ўқувчиларга ҳавола этаётганимиз дил изҳорларию фикр-мулоҳазалари, ўйлаимизки, шу саволимизга муайян жавоб бўлади.

→ 2, 3

### Гурур ва ифтихор

нидан узокни кўзлаб айтилган "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Биздан озод ва обод Ватан қолсин", "Тинчлик осмондан тушмайди, унинг учун ҳам курашиш керак", "Бронезилетнинг остиде ҳам юрак бор", "Биз киммиз, қандай буюк аждодларнинг фарзандларимиз", "Ким эдигу ким бўлдиқ" сингари том маънода миллий гоёмиз, орзу-интилишларимиз ниятларимизни ўзида мужассам этган кўламли, залворли ҳикматлари замирида бутун халқимизнинг асрий армонларию гурур ва ифтихори жо бўлган.

Ким эдигу ким бўлдиқ. Ким эдим

Бу йил кўклам эрта келди. Дарахтлар оқ кўйлагини барвақт кийди. Кўкламнинг илиқ ҳавоси кўнгилга ҳуш ўқади. Бободоҳқон ҳам бу йилги экин-тикин юмушларини вақтлароқ сарҳисоб қилган. Юртдошларимиз ободликни ҳовлино кўчасини тозалашдан аллақачон бошлаб юборишган. Ахир, бўғи кўклам — ободлаштириш, кўкламзорлаштириш мавсуми.

Ҳар тонг ишга, ўқишга, бирор юмуш билан кўчага отланарканмиз, келинчақларнинг, қизалоқларнинг кўча, ҳовлиларини супураётганининг гувоҳи бўламиз. Юртимизнинг қайси гўшасига, қайси маҳалласига кириб борманг, орасталиқдан, тозалашдан кўзингиз яшнаб кетади. Ҳар бир ҳовли атрофида экилган гуллар, шакл бериб оқланган дарахтлардан эса кишининг баҳри

дили очилади. Халқимиз атроф-муҳитни саранжом-сарихта қилиш орқали баҳор тароватини янада кўз-кўзлайди. Ҳар қандай байрамга, тўйга тайёргарлик, аввало, атроф-муҳит тозаллигига эътибор беришдан бошланади. Ахир уйингизга келган одам дастлаб кўчангизнинг тозаллигига, оstonангизнинг, уйингизнинг саранжом-сарихталлигига қарайди. Зеро, ҳар йили Наврўз олдида хашар уюштирилиши ҳам бежиз эмас. Бу йил 12-13 март кунлар умумхалқ хашар куну деб белгиланди. Саранжом-сарихталлик, ободлик бор жойда файзу барака бўлиши шубҳасиз. Халқимизнинг энг яхши аънавалари, қадриятларимиздан бири ҳам хашар ҳисобланади. Бу йилги умум-

халқ тадбирида ҳам ҳар йилги аънава мувофиқ тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, қабристонларни тартибга келтириш билан бирга дарахтларга шакл бериш, манзарали кўчатлар экиш каби юмушларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

### Ватан озода бўлсин

Соғлом она ва бола йилида ўтказилаётган хашарда юртдошларимиз ташаббус билан 40 минг гектардан зиёд майдонни ободлаштириш, 22 минг километрик ариқ-зовурни тозалаш режалаштирилган. Бу ҳали ҳам-



УзА олган сурат.

## ДЕҲҚОНЛИК ЗИКРИДА

Деҳқонки, дон сочар ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. Агар ростлик ва салоҳи бордур, ўйи Солиҳ ноқасидан намудордур. Қўши ҳам икки зўр пахлавон юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоқки Одам. Олам маъмуриғи алардин, олам аҳли масруриғи алардин. Ҳар қайн қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут етурур, ҳам баракат.

Деҳқонки, тузлук била дон сочар, Ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дон қўқаргунча, ўруб хирмон қилиб, махсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳшилари анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларга андин мастлик, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлик. Уроқчиға андин рўзи, бошқочининг ёруб андин кўзи.

Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурад восил. Гадо андин тўк, қадҳудо тўқлуги ҳам андин ўқ. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Этмаки танури андин қизик, аллоф бозори андин иссик. Фу-

қаро ризқи андин вофий, гурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин ҳузури тоат, обидга андин лофи қаноат. Соғил харитасида андин муҳайё ақтои, шоҳ ҳизонасида андин баҳру кон матои.

Деҳқоннинг бир дон сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур.

Боғи жаннатдин намудор, полизида руҳ қути падидор. Ашжорининг ҳар бири чархи аҳзар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқиҳи нуҷум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, агниё нуқлу майи ноби андин.

Гуногун фавоқиҳи билаким боғда таъйин, чаман мулкида боғланиб таъбия ва ойин.

Мундоқ киши керақи, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ибод қилмаса ва забун шарикка жафо қилмаса, то донаси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб, анжуми улувви рифъат тергай. Мундоқ деҳқон Одамнинг фарзанди халафидур, балки марзуклар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур.

"Маҳбуб ул-қулуб"дан

### Навоийнинг сўз гавҳари

маси эмас. Ана шу икки кунлик хашар давомида ёлғиз қарилар, эҳтиёмжанд одамлар уй-жойларини таъмирлаш, ёш оилаларни ижтимоий кўлаб-қувватлаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш каби хайрли ишлар ҳам амалга оширилади. Айниқса, бу тадбирда "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг иштироки бежиз...

Кечкурун уйга қайтишда яна ўша ҳолатнинг гувоҳи бўласиз — ота ёки бобо бошчилигида ўғилу неваралар ариқларни тозалаш, дарахтларга шакл берган, ёш қизалоқлар ва келин-

чаклар эса ҳовли, кўчаларни супурган. Мана, Наврўз айёмига ҳам санокли кунлар қолди. Табиат уйғонди. Новадлар гулга бурканди. Энди дарахтлар яшил кўйлагини кийиб Наврўзни қаршиламоқда. Бу айём олдида табиат уйғонганидек, ҳар бир инсон қалбиде яратиш, яшатиш, саҳоват каби эзгу ниятлар, пок тилаклар уйғонади. Наврўз шукӯи кезиб юрган шундай улғу кунларда аънавага айланган хайрия тадбири ёшу қарини хашарни уюшқоқлик, ҳамжихатлик билан ўтказишга чорлайверади.

Эртага хашар. Маҳаллангизга, боғингизга, кўчангизга, мактабингизга бир дон бўлса ҳам кўчат экин. Ахир ўзининг бутун гўзаллигини, жозибасини кўз-кўз қилиб баҳор келди. Зеро, баҳор каби эл-юрт ободлиғи ҳам, энг аввало, кўнгиллардан бошланади. Наврўз айёми яқин. Кўнгилларни яратиш ишқи билан тўлдирган гўзал, бетакрор байрамни муносиб қутиб олиш учун айни шу дақиқалардан ҳарқат қўлмоғимиз, ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Барно СУЛТОНОВА

## БАҲОР ВА ДИЙДОР

Кунлар исиб дарахтлар гуллай бошлаган палла юрак-юрагингизга илиқлик югуради. Беихтиёр қир-адирларга чиқиб кетгиниз, ям-яшил табиат қўйнида яйрагингиз келади. Яна ўсмир йигитга айланиб, дўппи кийиб, сочпопук таққан, атласу адраслардаги бўй қизларни кузатишни истайсиз. Беғидир болагингиздагидек чучмомолар теришни, бойчечакларга беланишни, яллизларга суйқалишни хоҳлайди юрак.

Табиатдаги ўзгаришларни кузатсангиз унинг ҳам жони борлигини ҳис қиласиз. Табиат ҳам уқлайди, уйғонади, ёшаради, шодланади. Баҳор дамлари, Наврўз байрами табиатнинг айни кучга тўлган, йигитлик даврларини эслатади. Шижоати, ғайрати ўзига сиймайди. Бутун оламни яшилликка, шодумонликка буркашга бел боғлагандек. Назаримда, табиат ҳам оналаримиздан, хотин-қизларимиздан куч-қувват, илҳом оладиғандек.

Онам 8-мартда туғилган. Ўша кунни уйимизда катта байрам бўлиб кетади. Опа-сингилларим, холамлар, тоғамлар, кўни-қўшиллар билан гавжум ҳовлимизда баҳор қайнайди. Ҳар йили менинг назаримда кўклам онам таваллуд топган кундан бошланади.



Қишининг совуқ ва тўй-маъракалардан ҳоли ойларини шаҳарда ўтказадиган ота-онамга кўклам яқинлашгани сайин сўров кўпаяди. Кишлоқдан кунда-кунора кўнгирик бўлади: "Онамни тезда кишлоққа қайтариб жўнат..."

Худди бормасалар табиат яшилликка бурканмайдигандек. Худди бормасалар баҳор бошланмайдигандек. Оналаримизни, аёлларимизни Ватан ҳимоячиларига менгагим келади. Улар ҳам она юрт чегараларидаги ҳаммаша сергак ва хушёр посбонлардек диёримизнинг бўлажақ ўғлонларини, саришта қизалоқларини лозим бўлса кечалари мицца қоқмай воёга етказадилар.

Саҳарлаб ҳовлиларни супуриб-сидириб қўядиган, кўп қаватли уйларнинг зиналаригача артиб чиқадиган, уйғонишингизга ношултани тахт қилиб қўядиган келинларга ҳаваси келмайдиган киши бўлмаса керак! Илк бор фарзандини бағрига олган она, дастёр ёрдамчи бўлиб

қолган қизалогини алқайтган аёл, келинининг қўлидан чой ичишни бошлаган оналар туйган фараҳбахш қувончи бир тасаввур қилиб кўринг-а!

### Сурур

Хизмат юзасидан ўғилларини муддатли ҳарбий хизматга кузатаётган, қутиб олаётган оналар билан суҳбатлашишга тўғри келади. Улардан бахтиёрроқ одам курраи оламда йўқдек ўша дамларда. Аскарликдан ёруғ юз билан қайтган ўғлини қучиб, суюётган онанинг кўнглидан кечаётган қувончларни борича тинглашининг имкони бўлса қанайди!

Ҳа, ҳеч бир инсон боласи йўқки ўзини онасию она Ватанидан айро тасаввур эта олса. Буларнинг ҳар иккиси бизнинг руҳимизга, вужуд-вужудимизга сингиб, қоришиб кетган. Шунинг учун бўлса керак, онасидан кечганлар, Ватанини сотганлар ҳаммаша хор-зорликка мубтало бўлган. Онажонларимизнинг меҳрлари ўлчов билмайди, манфаат кутмайди.

Ҳа, ҳаёт оналарнинг беминнат меҳр-муҳаббатлари, қизларимизнинг ибод-ҳаёси, латофати билан гўзал. Баҳорни яшнатган аёл, аёлни янада сулувлаштирган баҳор абадий бўлсин!

Азиз НОРҚУЛОВ

## ФРАНЦИЯДА ОТ КИШНАДИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "От кишнаган оқшом", "Юлдузлар мангу ёнади", "Отандан қолган далалар" сингари бетакрор асарлар муаллифи Тоғай Муроднинг "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" асари Францияда француз тилида чоп этилди.

### Ўзбекистон ва жаҳон

Маълумки, яқин ўтмишда халқимиз мустамлакачиликнинг оғир азоб-уқубатларини бошдан кечирди. Айниқса, шўро мафқурасининг гайрининсоний зуғуми оқибатида жуда кўп талофатлар, йўқотишлар рўй берди. Тоғай Муроднинг асарида ана шу оғир замон воқеалари маҳорат билан, ўзига хос услубда тасвирланган, халқнинг ҳасратлари ва ачиқ қисмати бахшиёна оҳангда баралла қуйланган. Бу асар ҳар қандай китобхонни бефарқ қолдирмайди. Жумладан, француз китобхонини ҳам.




→ 4



# КИМ БЎЛДИК

**Аюб ШАХОБИДИНОВ,**  
кинорежиссёр,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият  
ходими:



Кинематография адабиёт, театр, тасвирий санъат, музыка каби санъат турлари билан бевосита боғлиқ. Бу соҳа вакиллари инсон психологияси, ҳаётга нисбатан фалсафий мушоҳада ва юксак даражадаги тафаккур талаб қилинади.

Ўзбек кинематографияси катта тарихга эга бўлиб, қатор дурдона филмлар ҳозирги кунгача халқимизнинг маънавий ва миллий бойлиги сифатида эътибор элиб келинмоқда. Лекин барча филмларда ҳам тарихимиз, миллий кадрларимиз тўлақонли акс эттирилмаган, қолаверса, шўро даври охиридаги ижтимоий-молиявий муаммоларга уфайли янги кинофилмлар олиш кескин камайиб кетганди. Бундай ҳолат кейинчалик ўзбек кинематографиясини танг аҳволга олиб бориши турган гап эди. Мустақилдиримизнинг қўлга киритилиши, давлатимиз томонидан кино санъатини ривожлантириш ҳақида қабул қилинган муҳим қарорлар вазиятни ижобий томонга ўзгартирди.

Ўзбек филмлари ҳозирги кунда халқнинг бугуни, ташвиш-

қувончлари, ифтихори ҳақида катта экранлар ва телевидение каналлари орқали мухлислар билан бемалол мулоқот қилиб, уларнинг маънавияти ва дунёқарашига сезиларли таъсир ўтказмоқда, ўзligини ва тарихий кадрларимизни чуқурроқ англашига кўмак бермоқда. Ҳозир дунёда кино санъатининг давлат бюджетидан қўллаб-қувватланиши кам учрайдиган ҳолат. Ўзбекистонда бу жараён сўзсиз миллий кино ривожига катта аҳамият касб этди, бозор иқтисодиёти даврида баъдий жиҳатдан пухта, чуқур маъноли, фалсафий мушоҳадага қўлайдиган филмлар дунёга келишига сабаб бўлди. Мустақиллик йилларида суратга олинган "Воиз", "Чашма", "Дилхирож", "Ойижон", "Йўл бўлсин", "Ўтов", "Ватан", "Сув ёқалаб", "Қўрғошин", "Паризод"

каби бир қанча филмлар Германия, Франция, АҚШ, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа хорижий давлатларда ўтган фестивалларда совринлар олди.

Долзарб муаммоларни ёритишда ҳам киноимиз катта эркинликка эга бўлди. 1991 йилгача халқимиз ва ижодкорларимиз буюк аждодларимиз билан гурунлашиш имкониятидан махрум эди. Ҳозир эса ҳужжатли филмлар студияси ижодкорлари нафақат халқимизга, балки тарихимиз ҳақида билишни истган турли миллат вакилларига Ўзбекистон буюк аждодлар, улкан адабий мерос, давлатчилик сиёсати, илмий кашфиётлар замини эканлиги ва бу юрт ҳозирги кунда юксалиш йўлида катта қадам ташлаётганини кўрсатиб берапти.

Мултфилмларимиз болажонларимиз ҳаёти ва фаолияти кенг ёритилган китобларни ўқиганимизда улғур бобомиз Амир Темур ҳақида сўз айтишга ботинолмаган ўқитувчимизнинг маънос ва ночор-ночор кийфаси тез-тез ёдимга тушади.

Ҳа, устозларим билан менинг – бугунги истиқлол замонидаги ўқитувчимнинг фаолиятини қиёслаганда ер билан осмонча фарқ бор. Ўқитиш тизими, унинг олдига қўйилган талаб бугун тубдан ўзгарди. Энди туғилган боболари, оламга машур аждодлари ҳақида қисиниб эмас, ифтихор билан баралла сўзлайдиган авлод тарбияланмоқда. Умишнинг яхши билган, ўзligини англаган, ҳақон билан бўйлашишга интилайтган юртининг фарзанди эканлигини қалбдан ҳис этган ёшлар улғаймоқда мактаб кучида. Тараққиёт йўлимизнинг ажралмас қисми бўлган таълим соҳасидаги ислохотлар мақсади ҳам айнан шунга қаратилган. Ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фикрларига, фарзандлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган

римиз дунёқарашини бойитишга хизмат қилиши учун уларнинг техник сифатини ошириш, ҳақон андозаларига мос келувчи тўлиқ метражли анимацион филмлар яратиш йўлида жиддий изланишлар бошланган.

Сўнги йилларда хусусий студияларда ишланган филмлар сонининг кескин кўпайишини ҳам ўзига хос феномен сифатида баҳолаш мумкин. Бугунги кунда деярли бутун дунёда томошабинларни кинозалларга қайтариш муаммо бўлиб турган пайтда, юртимиз киномухлислари залларни тўлдирмоқда, қўллаб филмларимизни қизиқиш билан қўришапти.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган янги бинода Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтининг ташкил этилгани, миллий ва хорижий мутахассислар ўтаётган маҳорат дарслари, умумий билим савиясининг секин-аста ошиб бораётгани, қисқа метражли филмлар учун мўлжалланган ёшлар кинофестиваллари ва форумлар ўтказилгани, насиб қилса, ўзбек киносининг кейинги ривожини учун ташланган катта қадамлардир. Бугун ижодкорлардан фақат ўз дунёқарашини бойитиш, ишни тўғри ташкил қилиш ва ўзбек киносининг янги дурдона асарларини яратиш талаб қилинади.

шахсни шакллантириш бугунги кун ўқитувчисининг муҳим вазифасидир. Бугун таълим жараёнида ўқувчиларга нафақат билим бериш, балки дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлардан атрофича хабардор бўлиши, хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.

Мен синфга кириб борар эканман, устозларим сингари кишининг совуқ кунларида печ олдида қўл-оёғини иситишга илҳам қилиб ўтирган болаларга дуч келмайман. Менга ахборот технологиялари, лаборатория, лингвистика усуллари билан жиҳозланган ёруғ синф хоналарида эркин ва яраб ўтирган, қўзлари чақоқ ёшлар қарши чиқади. Бу – юртимизда катта эътибор билан амалга оширилаётган таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотларнинг натижасидир, албатта.

Йилдан-йилга таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, яратилаётган шарт-шароитларни ўзим ўқиган даврлар билан қиёслаганда, орадан неча-неча асрлар ўтгандек туюлади, ичимда секингина шукрона айтаман. Фарзандларим келажаги, уларнинг бахту толеи, истиқболлари порлоқ эканлигига имон келтириб, ҳаётга, келажақка қатъий ишонч билан қарайман.

**Шоира ҚАМБАР**  
қизи,  
Навойи вилояти,  
Кармана  
туманидаги  
8-мактаб ўқитувчиси:



Мен ўзим севган ўқитувчилик касби билан шуғулланар эканман, меҳрибон устозларимни тез-тез ёдга оламан. Эсимда, саккизинчи синфда опам тарих фанидаги олимпиадада борганди. Ёзма раёида яхши жавоб бергани учун уни оғзаки текшириб қўришмоқчи бўлишди. Опамга кекса бир домла Амир Темур ким бўлган, нима ишлар қилган ҳақида савол берганида, ёшроқ ўқитувчи: "Бу нима қилганингиз домла, каллакесар ҳақида сўраб нима қиласиз?" деган экан. Опамнинг ҳикоясини эшитиб, тарих дарида шу саволни мен ҳам ўқитувчимизга бергандим. Ўқитувчимиз бир лаҳза сукутга чўмиб, қараб қолди... Кейин сумкасида юпқагина, титилиб кетган "Ўзбекистон тарихи" деган китобни олиб, "Ма, ўқиб ол", деб менга узатди. Нега ўқитувчим бу тарзда жавоб берганини энди тушунганда бўламан. Илгари биз "СССР тарихи" деган дарсликларни ўқирдик. Унинг ичида Ўзбекистон ҳақида мавзу йўқ, биз мутлақо бошқа давлат тарихини ўрганардик. Ўзбекистон тарихи эса қўшимча машғулот сифатида белгиланган, дарслик мана шу юпқагина китобчадан иборат эди.

Бугун миллий тарихимиз, буюк аждодчилиги республика кўрик-танлови вилоят босқичида I-даражали дипломга лойиқ топилди. Худди шу ёшимда "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали вилоят босқичида ғолиб топилган бўлсам, "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали Республика босқичида ғолибликни қўлга киритдим.

Момом 14 ёшида ҳали қишлоғини ҳатлаб туман марказига ҳам чиқмаган бўлса, мен шу ёшда яъни бундан икки йил олдин Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган "Урта ер денгизи афсонаси" халқаро фестивал-танловда фортепиано йўналиши бўйича иккинчи, фольклор – рақс йўналиши бўйича дўст ижро этиб биринчи ўрин билан тақдирланиб, Ватанимиз байроғини банд қўтаришга муваффақ бўлдим.

Момом 15 ёшида кичкинагина жуссаси билан оғир меҳнат қилиб, пахта эгاتларида тонгни тунга улаган бўлса, мен 15 ёшимда Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган «Санъат дунёни бирлаштиради» номли II-халқаро фестивал-танловда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон номини ҳақон шахналарида жаранглаб қайтдим. Худди шу йили Италияда бўлиб ўтган «Hello Italy» номли халқаро фестивал-танловда фортепиано йўналиши бўйича II-даражали диплом билан тақдирланиб, ўзбек музыка санъатини қай даражада юксаклигини намойиш этиб келдим.

Бундай нуфузли мусобақаларда менинг исмимдан ҳам кўра, Ўзбекистон деган муқаддас ном жаранлаганда қалбим жунбушга келиб, кўз ёшларимни тўхтатолмайман.

Мана — «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди» деган саволга ўзимнинг ҳаётим мисолида, ўзим-ўзимга кашф этган қатъий жавобим.

ларимиз ҳаёти ва фаолияти кенг ёритилган китобларни ўқиганимизда улғур бобомиз Амир Темур ҳақида сўз айтишга ботинолмаган ўқитувчимизнинг маънос ва ночор-ночор кийфаси тез-тез ёдимга тушади.

Ҳа, устозларим билан менинг – бугунги истиқлол замонидаги ўқитувчимнинг фаолиятини қиёслаганда ер билан осмонча фарқ бор. Ўқитиш тизими, унинг олдига қўйилган талаб бугун тубдан ўзгарди. Энди туғилган боболари, оламга машур аждодлари ҳақида қисиниб эмас, ифтихор билан баралла сўзлайдиган авлод тарбияланмоқда. Умишнинг яхши билган, ўзligини англаган, ҳақон билан бўйлашишга интилайтган юртининг фарзанди эканлигини қалбдан ҳис этган ёшлар улғаймоқда мактаб кучида. Тараққиёт йўлимизнинг ажралмас қисми бўлган таълим соҳасидаги ислохотлар мақсади ҳам айнан шунга қаратилган. Ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фикрларига, фарзандлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган

озиклантирилиши муҳим ютуғингиздир", деди.

Баъзида хориқлик ҳамкасбларимизнинг ана шундай эътирофини эшитиб хурсанд бўлиб кетаман. Ҳа, янги туғилган чалоқ билан онанинг бирга бўлиши, она сути билан озиклантирилишида катта ҳикмат бор. Бу билан биз аёлларда учрайдиган мастопатия касаллигига чек қўйдик. Демак, қанчадан-қанча аёлларда кўкрак саратони хасталигининг олди олинмоқда. Қолаверса, оғиз сути билан озиклантирилган боланинг турли касалликларга чидамли бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Агар меҳр она сути билан кирди, деган гап бежиз айтилмаган. Аслида она сутининг қадрини жуда балебанд. Бир пайтлар оналар эртаю кен ишда бўлгани боис, фарзандини сунъий сут билан боқилган. Бугунга кели сунъий овқатлантиришга чек қўйиш масаласи долзарб. Чунки сунъий сут билан овқатлантирилган болалар юрак қон-томир касалликлари, гипертония, қанд касаллиги, қўриш ўткирлигининг камайиши, она сути билан боқилмаган гўдак ўз тенгдошларига нисбатан 30-40 марта кўпроқ хасталаниши тиббиётда асосланган. Таассуфланарлики, она сутини тўйиб ичмаган қизалоқлар вояга етиб она бўлган, уларнинг етимиш фойздан ортиқроғида меъърий массасидан анча кам болалар туғилади ва уларнинг барчасида камқонлик аниқланади. Шу боис, биз шифокорлар марказимизда туғилган ёшларга она сутини афзаллиги ҳақида доимий тушунтириш ишларини олиб борамиз.

Куни кеча 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Президент Ислам Каримовнинг биз аёлларга йўлаган байрам табригиде шундай маълумотларга кўзим тушди: "Соғлом она ва бола дастури доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 миң доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш" белгиланибди. Демак, келгусида бундай катта маблағ сарфланиши тўғрисида генофонди янада яхшиланиши, оналар ва болалар саломатлиги, демакки элимиз ва миллатимиз қудрати янада мустаҳкамланади.

Хосият НАСРИДИНОВА,  
Олий тоифали  
шифокор:



Барча соҳалар қатори тиббиётда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Касбга меҳр қўйиб чин дилдан ишлайдиган замон келди. Ҳузуригимизга хомиладор аёл оғир аҳволда келса, бир пайтлардагидек қандай зарур ёрдам кўрсатишга шўшиб қолмаймиз. Кўмакка муҳтож она ёки болани текширувдан ўтказиш учун марказга мурожаат қилинмайди, жиддий хасталик билан оғиргина бемор даво излаб ўзга юртларда сарсон бўлмайди. Чунки аҳоли, она ва боланинг саломатлиги биз шифокорлар томонидан қаттиқ назоратга олинган. Акушерлик-гинекология хизматининг ривожланиб бораётгани сабаб, бир пайтлар буви ва молларимиз айтганидек, иккиқат аёлларнинг пахта далаларида кўзи ёриганига эндиликда ҳеч кимнинг ишонгани келмайди.

Масалан, қайсидир хонадонда хомиладор аёл бор. Аёл гўдагини дунёга келтирувчида перинатал ҳамшира онанинг соғлиғини мунтазам хабар олиб туради. Ана шундай зарур ёрдам кўрсатадиган олижаноб касб эгалари тўғрисида кўзи ёриганига эндиликда ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Қўрай тумани "Она ва бола маркази"да ҳам хориқдан келтирилган тиббий ускуналар ёрдамида чақоқларни она қорнидаёқ текшириш, агар бирор бир касаллик аломати сезилса, зарур ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд. Яқинда Самарга кўчиб кетган бир ҳамкасбимиз марказимизга ташриф буюрди. Истиқлол йилларида рўй берган, айниқса, она ва бола саломатлиги йўлида қилинган ўзгаришларни кўриб: "Сизларга ҳавасим келяпти. Бизда ҳалиям тиббиёт ўша-ўша — собик тузумдагидек эски асбоб-ускуналар, эски ҳаммом, эски тос дегандай, эскича ёндашув. Айниқса, юртингизда гўдақларнинг туғилгандан кейин алоҳида хонага қўйилмасдан онасига берилиши ва озиқ сути билан

Шамсидин САДОИЙ

## ОЗО ОСМОҲ БЕМИНАТ

СИЗГА САДҚА ЖОНИМ

Уйимдаги боғу баҳор, бўстони,  
Бошимдаги юлдуз, ойли осмоним,  
Оқ ювиб, оқ тараган меҳрибоним,  
Сизга садқа юз жоним, онажоним!



Онаг бўлса, куёш қирар уйинга,  
Онаг бўлса, тоғ бўйлашар бўйинга,  
Онаг бўлса, Ҳақ зар сочар йўлинига,  
Сизга садқа юз жоним, онажоним!

Оқ сочингиз оламларга алишмам,  
Аллангиз боғ-эрамларга алишмам,  
Дуонгиз зар-маржонларга алишмам,  
Сизга садқа юз жоним, онажоним!

Мени кутган кўзда ёш қайда сиздай,  
Меҳри қайноқ ул кўёш қайда сиздай,  
Садонийга кабы тош қайда сиздай,  
Сизга садқа юз жоним, онажоним!

### БЕМИНАТ

Ой керак деб қўкка қанот қоққанлар,  
Ёт дарёлар гирдобига ботқанлар,  
Бойлик излаб номус-ордан кетқанлар,  
Ўз элингда ою осмон беиминнат!

Бегона юрт кўёшида тафт қайда?  
Омад келса келар аммо, бахт қайда?  
Жонингиз жон бўладиган халқ қайда?  
Ўз элингда туз билан нон беиминнат!

Гар кезсанг-да Ҳиндикушнинг тоғида,  
Сайр этсанг ҳам Бобил осма боғида,  
Билсанг, ўз юртингни бурдойзорда,  
Қуриб ерда ётган сомон беиминнат!

Худо берганидан бошқа кўзлама,  
Давлат сўраб, олтин балик излама,  
Садонийдан тингла, кейин бўзлама,  
Минг бир юртдан — Ўзбекистон беиминнат!

### СЕН ЖАЙРОНГА...

Моҳи, Моҳи, Моҳижон,  
Сен жайронга мен ҳайрон.  
Мендек ошиқ қайда бор,  
Бунча айладинг сарсон.

Сочинг тошқин сойданми?  
Юзинг оппоқ ойданми?  
Туй келади кимдан, айт,  
Фақирми ё бойданми?

Моҳи, Моҳи, Моҳижон,  
Сен жайронга мен ҳайрон.  
Лабингдан бол тоқмадим,  
Юракда бор шу армон.

АХТАМҚУЛИ

## ҚЎНЛИМИЗ ОБОДЛИТИ

КЕКСАЛАР ВАСФИДА

Хурматин айланг бежро, бизларга қиммат кексалар,  
Кўзларидо доимо меҳру муҳаббат кексалар.

Кўнглимиз ободлиги борлигини тенгсиз зийнати,  
Халқимиз донолари, қўрғони давлат кексалар.

Тоғларим пешонасин ҳар тонг чиқиб ўпгай куёш,  
Яшнаган юрт хокидан излади ибрат кексалар.

Ҳайратим ошгай мудом, кезсам Ватан гулзоридо,  
Кўхна дил достонидан сўзлайди ҳикмат кексалар.

Қишлоғим қафтидан оқшув бўлиб учгай дуо,  
Эзгулик бўстонида бошловчи хилқат кексалар.

Умрининг поёнида сўроққа айланса ҳилол,  
Кечмагай дунёсидан ул олий ҳикмат кексалар.

Кўзларин қирғоғида ишқ улдилар Ахтамқули,  
Байтларим қарвонидир тинчликка сарҳад кексалар.

### МУҲАББАТ БОҒИДА

Кўзларинг гирдобидо гир айланар жоним менинг,  
Йилсангиз борлиққа насим кўхна достоним менинг.

Сен дилинг ҳижронини қалбимга жо қилсанг агар,  
То абал армон ташиб тинмайди қар оним менинг.

Мен муҳаббат боғининг парвона кезган қуйчиси,  
Тулари йиғлаб чиқар бошимда осмоним менинг.

Нур сочиб қиққан қуёш бузгай булутлар қасрини,  
Дарлашар кўзида ёш пинҳона жононим менинг.

Сарғайиб бошимда ой соғинчларимдан дил ёзар,  
Йўларингизда термулиб ўтмоқда ҳар оним менинг.

Тушларимда ташнаиб чопдим юрак қирғоғида,  
Ишқда девона айлар моҳитобоним менинг.

Дил сўраб Ахтамқули кўйдим муҳаббат розидан,  
Дафтаримни тўдқилар усиз юрак қоним менинг.

### САМАРҚАНД

Кўшдек сержилдорусан, Самарқанд,  
Кўзу қўнғилга жодурсан, Самарқанд.

Чинорлар фол очар ўтмишларингдан,  
Жаҳонга раҳнамодурсан, Самарқанд.

Буюк Соҳибқирон қўрғонларига,  
Туну кун маҳлидурсан, Самарқанд.

Мен каби сенга, жонон,  
Зор-интизор қайда, айт?  
Садонийдай, икки дунё —  
Бир Мажнун ёр қайда, айт?

Моҳи, Моҳи, Моҳижон,  
Сен жайронга мен ҳайрон.  
Иккимизга яралгандир,  
Бу ер, бу ишқ, бу осмон.

### БЕГОНАМ

Икки қирғоқ бўлди баҳри уммонда,  
На ёй бўлди, на ип бўлди камонда,  
Сен Самарқанд, мен Бухоро томонда  
На ёр бўлдинг, на дўст бўлдинг, бегонам!

Кипринингни соясида ухлардим,  
Сочларингдан бўйимга дор боғлардим.  
Шўр пешонам ювай қайси сойлардан,  
На ёр бўлдинг, на дўст бўлдинг, бегонам!

Ёлғон дунё, ёлғон ишқдан қуйдим ман,  
Сен олтинлар қийдинг, ерга кирдим ман,  
Сендан қора гулроқ покдир, билдим ман,  
На ёр бўлдинг, на дўст бўлдинг, бегонам!

Ёшинг оқса энди сойлар юволмас,  
Сени ҳеч ким мен севгандай севолмас,  
Ёринг бўлар лек, Садоний бўлволмас,  
На ёр бўлдинг, на дўст бўлдинг, бегонам!

### ТУН ВА ТОНГ

Тунда деразанг, оч бир сўз айтаман,  
Саҳаргача кучоғингда гул бўлажак.  
Тонгда дарвозанг оч, бир шеър айтаман,  
Чимилдиққа киргунингча йўл бўлажак!

*Ш.САДОИЙ 1958 йилда туғилган. "Мени кутган эдингиз", "Давлатинг борида", "Дунёни муҳаббат олади", "Сени менга яратган" сингари шеърини тўпламлари чоп этилган.*



Сочар юлдузларинг қалбимга ҳикмат,  
Асрлардан садодурсан, Самарқанд.

Бухорий ҳазратим тупроқларидан,  
Яралган пок зиёдурсан, Самарқанд.

Дилин покловчилар йўқлаб келишгай,  
Муқаддас хонақодурсан, Самарқанд.

Минорлар қафтида айланди осмон,  
Фалак сочган дуодурсан, Самарқанд.

### НИЯТ

Ҳали мен чўққига чиқаман,  
Юлдузлар сочилар пойимга.  
Кўёшни қафтимда тутаман,  
Кўнглимни ёзаман Ойимга.

Отамнинг битмаган достонинг,  
Ҳайқириб айтаман дунёга.  
Умримни оқизиб қўймайман,  
Жавобсиз югурган дарёга.

Даралар дардимни билади,  
Бошимда чарх увар осмоним.  
Булоқлар қиқирлаб кулади,  
Қувончга тўлади айвоним.

Кийиклар тизилиб юради,  
Бобомнинг минг йиллик боғида.  
Дафтарим шеър билан тўлади,  
Юрагим гуллаган чоғида.

Ҳали мен офтобни етаклаб,  
Чиқаман чўққилар бошига.  
Ишқимни сўровсиз ёзаман,  
Ватанимнинг ҳар битта тошига.

*А.КАРИМОВ 1964 йилда туғилган. "Бодомгина", "Қорачиқда асраганимсан", "Баҳоримдан кечиккан гул", "Қирқ газал" сингари шеърини ҳамда "Тоғлар ҳам қарийди" номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.*

**Биз Хусниддинни тахририятда эркалаб, эъозлаб домла Шарипов, деб атардик. У бундай эъозга, хурматга қачон лойиқ бўлақолди, қачон бунақа меҳр қозона қолди, бунни аниқ айта олмайман. Чамаси, бу номни ўша кезларда тахририятимиз оқсоқоли Ҳайдарали Ниёзов кўйиб берганов!.. Бу ном унга жуда ҳам ярашиб турар эди.**



бўлдим. Жўра Маҳмуд Хусниддиннинг уч-тўртта драматини сахналаштирган ҳам экан. Ўша саҳна асарлари ҳақида берган баъзи саволларига жўяли жавоб қилмаганимдан уялдим ҳам.

Баъзан шунақа бўлади, олдинда юрган одамнинг қилган ишларини ҳатто юзароқ бўлса ҳам билолмасдан хижолат чекасан.

Домла Шарипов бир ишга шўнғиб кетса, уни ўрнидан жилдириб бўлмас эди. Тахририятни ўзингиз биласиз – биров

Шарипов бунга ҳам чидади. Ўтириб-ўтириб, баъзида чарқоқни ёзиш маъносига гап бошлаб қоламиз:

— Шу дейман, Ҳайдар ака, домла Шариповга хайронман. Наманганнинг ёлғиз қатигини Тошкентнинг аччиқ пивосига алмаштириб ўтирибди-я. Агар домла Шарипов ўрмончилик соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшганида ўтин мўл-кўл бўларди...

Домла Шарипов бизга қўшилиб микириб куларди-да, нарсаларини йиғиштира бошларди.

— Мен кетдим бўлмаса, дўстларим...

— Қаёққа?..

Домла хайралиб чиқиб кетади. Унинг юрадиган маршрутлари яхши билар эдик. Шу кетишда у тўппа-тўғри «Пахтакор» стадионига боради. Стадионнинг шахматчилар тўпланадиган жойида уни ашаддий шахматчи иккита оғайниси кутиб турган бўлади. Иккаласи ҳам унинг ҳамюрти. Бири — шахматнинг катта гроссмейстери Мамажон Мухиддинов, иккинчиси — ёзувчи Турғун Пўлат. Улар уювлон то кун ботиб, қош қорайгунча обдон шахмат суришиб, чарқоқларини ёзишиб, уй-уйларига тарқалишади...

Мана шу алфозда юриб, домла Шарипов қанчадан-қанча шеърлар, қўшиқлар, кантаталар, анчагина драмалар, достонлар, жаҳон классикларидан таржималар қолдириб кетди. Домланнинг бу ишлари изсиз, эътиборсиз қолмади, албатта. Унинг хизматларини ҳуқуқимиз ўз вақтида муносиб тақдирлади. Хусниддин ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ шоири, деган юксак унвонларга сазовор бўлди. Энг муҳими, дўстлари, яқинлари, биродарлари қалбида унутилмас хотиралар қолдириб кетди.

Дўстимиз Хусниддин хунарини қисматим, деб билладиган захматқаш шоир, камтар ва камсукум, айни чоғда қувноқ ва суҳбатчи жонин инсон эди.

**Носир ФОЗИЛОВ,  
Ўзбекистон Давлат мукофоти  
соҳиби**

**Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида**

## МАНГУЛИК МУҲРАРИ

Ҳомер ўз-ўзича мафтункор эмас, хомерона ҳаёт гўзал, Ҳомер тасвирлаган инсоният мавжудлигининг тарихий даврлари гўзал. Китоб сифатида Инжилнинг ўзи жозибали эмас, балки бу китобда битилган инжилнона ахлоқ, ҳаёт тарзи гўзал.

**Эрнест РЕНАН**

\*\*\*

Замонавий эстетика эскисидан ҳар бир нарса ва ходисага тарих нуқтаи назаридан қараши ва ақидапарствлиқдан холилиги билан фарқланади, яъни замонавий эстетика қоидаларни мажбурлаб тиқштирмайди, балки қонунларни қайд этади.

**Ипполит ТЭН**

\*\*\*

Мен шеърларни қураман: мана бу жумлалар — устунлар. Уларнинг устида, гумбаз мисол, фикрни тиклайман.

**Иоганнес БЕХЕР**

\*\*\*

Менинг романимни уч марта ўқиб тушунмабсиз. Мен сизга тўртинчи марта ўқиб чиқишни маслаҳат бераман.

**Уильям ФОЛЬКНЕР**

\*\*\*

Катта меҳнат билан яратилган асар мутолааси ҳам жиддий меҳнатни талаб қилади.

**Бен ЖОНСОН**

\*\*\*

Доимо шундай бўлади — йўқ жойдан тасаввуримда қандайдир қиёфа, манзара ёки об-ҳаво лип этиб бир зум пайдо бўлади-ю йўқолади. Баъзан эса дафъатан тўхтаб, ўзига диққатни тортади, ҳаяжонга солади... Кўп ҳўқояларим шу тарзда юзга келган.

**Иван БУНИН**

\*\*\*

Яхши танқидчи нафақат ўқиган асарларини таҳлил қилади, балки қалби саргузаштларини ҳам баён этади.

**Анатоль ФРАНС**

\*\*\*

Габриела Мистраль сингари шоирларнинг пайдо бўлиши муайян даврнинг белгисидир. Чунки унинг шеърларида мангунлигининг муҳрлари бор... Унинг шеърляти ўқувчида кучсиз, изтироб чекаётган инсонга нисбатан меҳр туйғуларини уйғотади.

**Альфред ОРТИС-ВАРГАС**

## КЎНГИЛ ҲУСНИ

таклиф қилишди. Тахририятга келсам, мен қидирган Хусниддин Шарипов шу ерда ишлаётган экан. Биз у билан анча йиллар ака-ука бўлиб бирга ишладик.

Буни қарангки, Хусниддин индамая юриб, анча-мунча китоблар нашр эттирганини сезмай қолибмиз. У «Кўнгили буюрғани», «Кўёшга ошиқман», «Тупроққа қасида», «Ернинг қалби», «Ҳаяжонли дақиқалар», «Яна висол», «Ер истаб» ва ҳоказо китобларини чоп эттириб қўйибди.

Ўзбек поэзиясида достончилик жанрини ривожлантиришда Хусниддиннинг ўрни бўлакча. Шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, ўзбек масалчилигида энг қисқа, энг мухтасар масали ҳам домла Шарипов ёзган. У бор-йўғи икки марта такорланадиган битта мисра. Номи «Балиқ фалсафаси»: «Думингни лиқиллатасан, олға кетасан...»

Бу нима дегани?.. Ўзи тугмадан қичкина-ю, унда кўтарилган масала туюдан ҳам катта.

Хусниддиннинг «Сени севаман», «Ота ўғли», «Афсона», «Карвон беҳатар бўлмас» каби драматик асарлари ҳам бор. Аслини олганда, драматик асар саҳна учун яратилади. Уни камдан-кам одам ўқийди. Бунақа даяётганининг сабаби, ўтган йили ёзувчиларнинг «Дўрмон» ижод уйида бир одам билан танишиб қолдим. Ниҳоятда одамхон, ниҳоятда билимдон, ниҳоятда ширинсухан бу одам ўзини Жўра Маҳмуд деб таништирди. У санъат арбоби, танкили режиссёр, олий ўқув юртлиарида дарс берадиган домла экан. Хусниддин ҳақида озгидан бол томиб, шунақа яхши гапларни айтдики, ростини айтсам, Хусниддин билан шунақа йил бирга ишлаб, уни яхши билмаганимдан хижолат

келади, биров кетади. Баъзан шовқин солади. Ана шундай кезларда Хусниддиннинг ўрнида сирқаси сув кўтармайдиганроқ бошқа ходим бўлса: «Ҳов оғайнилар, бу ер Олой бозори эмас, ишлагани кўясанларми, йўқми?» деб дағдаға қилиши турган гап эди. Йўқ, домла Шарипов ундай қилмайди. Шовқин-суронларга парво ҳам қилмай, жимгина ишлаб ўтираверади. Борди-ю, жудаям чидаёлмайд қолса, бошини иккала кафтининг орасига олиб, «був-в-в!..» деб бошини чайқайди-ю, ташқарига чиқади-кетади.

Ахён-ахёнда тахририятда чегарадан чиқмайдиган ўзига яраша ҳазил-мутойибалар ҳам бўлиб туради. Домла

## “ГУЛИСТОН”

2016 йил, 1-сон

Журналнинг илк саҳифаларида «Бош муҳаррир минбари» рўқни билан «Озод ва обод Ватан кутлуғ ниятлардан бунёд бўлади» сарлавхали мақола берилган. Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан журналда шириннинг газалларидан намуналар, Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» китобининг янги нашри хусусида академик А.Қаюмов ҳамда адабиётшунос олим Х.Болтабоевнинг тақризлари эълон қилинган. Янги «Ҳазал соғинчи» рўқни остида машҳур газалларнинг адабий ва муслиқий шарҳлари ёритиб борилади. Алишер Навоийнинг машҳур «Дилоромимга айт» газалларининг шарҳи ушбу сондан ўрин олган. Журналист Н.Ҳайитованинг «Менинг ўғлим — Ватан



химоячиси» мақоласида «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шiori остида республикамиз бўйлаб ўтказилган видеомулоқотлардан репортажлар ёритилган.

Бобур таваллудининг 533 йиллиги муносабати билан шириннинг газаллари «Ҳар кимки мени сўрса, саломимни дегил!» саҳифасида ёритилган. Шунингдек, Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асаридан болбар ҳам А.Қуронбеков таржимасида чоп этилган. Профессор Нурбой Жабборовнинг «Миллий тараққиёт кўзгуси» мақоласи ўзбек тили ва тилшунослигини эришган ютуқлари ва айрим муаммоларига бағишланган. Адабиётшунос олим О.Мадаевнинг «Халқ ижоди ёдгорликлари — авлодларга мерос» мақоласида «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жыллиги нашри хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг бир гуруҳ талабалари билан журналист Темур

## Журналларни варақлаганда

Аъзамнинг давра суҳбати «Ватан шарафини химоя қилиш — бахт» деб номланган.

Шунингдек, адабиёт ихлосмандлари журнал саҳифаларидан ёзувчи И.Султоннинг «Ҳадик» ҳикоясини, О.Геннинг «Ёзилган ҳикоя» асарини (инглиз тилидан Нодирабегим Иброҳимова таржимасида), ёзувчи Юсуф Файзуллонинг устоз Саид Аҳмад ҳақидаги хотираларини, М.Маҳмуднинг «Поэтика» ва ҳозирги замон адабиёти» номли мақоласини, З.Алиева, Т.Аҳмад, Ф.Ҳамроев сингари бир қатор шоирларнинг шеърларини ўқишлари мумкин. «Болалар саҳифаси» рўқнида шоир Турсунбой Адашбоевнинг туркум шеърлари эълон қилинган.

Яқинда Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театрида бўлиб ўтган атоқли шоира Зулфиянинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Садоқат» либреттосининг премьерасидан фотоочерк ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган.

**Жаҳонгир Санакулов умидли ёш таржимонлардан. Кўшработ тумани Майинтепа қишлоғида таваллуд топган. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг роман-герман филологияси факултетига таҳсил олган. Талабалик йилларидан бадий таржимага ҳавас ва иштиёқ билан киришган.**

Айни вақтда Ж.Санакулов «Karavan Travel» сайёҳлик фирмасида гид-таржимон ва туроператор лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Унинг дастлабки таржималари: Макс Пол Фуше, Ами Курвуазие, Одил Карадек, Жил Пудловский ва Гийом Аполлинер сингари француз шоирлари шеърлари, Катлен Миллиенинг «Сахро гули» романи, Эмили Карл асарларидан парчалар республикамиздаги журнал ва тўпламларда чоп этилган. Жумладан, Е.Карлнинг «Яшашга ҳақингиз бор» асари «Ёшлик» (2012, 6-сон), профессор Л.Кереннинг Мирзо Улуғбек ҳаёти ва ижоди ҳақидаги «Асарларни ёритган юлдузлар» илмий-тарихий ҳикояси «Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби» номида «Ер юзи» (2014) журналларида босилган.

Ўзбек шеърлятидан ҳазрат Лутфий ҳамда Атоийнинг айрим газаллари, шоир М.Юсуфнинг «Ажиб дунё», «Бир куни» ва «Биз бахтли бўламиз» шеърляри таржимаси Париждаги «La Timurlide» (2014—2015, 36—37-сонлар) журналида босилиб чиқди.

Жорий йилнинг январ ойида танкили ўзбек ёзувчиси Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» номли романи Ж.Санакулов таржимасида ва франциялик ижодкор Мишел Бўшер муҳаррирлигида Францияда («Les editions du Net» 2016, Suresnes) нашр қилинди.

Китобнинг илк саҳифаларида таржимон томонидан ёзилган «Тоғай Мурод — бетакорор ёзувчи» сарлавхали кириш сўзи берилган. Унда таржимон ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, ёзган асарлари ва амалга оширган таржималари ҳақида тўхталиб, «Бу дунёда ўлиб

бўлмайди» романи бош қаҳрамони Ботир фирқа, у эътиқод қилган гоё ва амалга оширган ишлари XX аср поёнига келиб саробга айлангани ҳақида француз китобхонига қисқача шарҳ берилади.

Романда учрайдиган реаллялар, хос сўзлар, иборалар, буюқ шахслар номлари китоб охирида изоҳлар берилган. Изоҳлар француз китобхонига мутлақо ёки қисман нотаниш бўлган 80 та сўз ва иборани ўз ичига олади ва улар етарлича



## “ТАРЖИМА ҲАЁТИМ МАЗМУНИГА АЙЛАНАЁТИР”

тушунтирилган. Яна бир жиҳат эътиборлики, таржимада ўзбек тилига хос сўзлар французча талаффузга мослаштирилган. Масалан, кўшчи — kouchtchi, хонақоҳ — khanakha. Лекин айрим сўзлар бундан мустасно. Жумладан, қул — qui, фирқа — firqa каби. Изоҳларни француз тилида беришда Le Petit Robert (Le Robert, Paris, 2012), Le Petit Larousse (Larousse, Paris, 2012), Dictionnaire de l'Asie Centrale (Ellipses, Paris, 2001) сингари лугатлардан фойдаланилган.

Китоб мундарижа, «Karavan Travel» МЧЖ хусусида реклама ўрнида қисқачина маълумот ҳамда мутаржим ва муҳаррир ҳақида маълумотлар билан яқун топган.

Асарнинг француз тилига таржимаси муҳаррири Мишел Бўшер 1948 йилда Франциянинг Майен шаҳрида таваллуд топган, табиий фанлар бўйича танкили олим, машҳур саёҳатчи ва профессионал суратчи.

Кўйида Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи таржимони Жаҳонгир Санакулов билан мухтасар суҳбатни ўқийсиз.

— **Бадий таржимага қандай кириб келдингиз — бу шунчаки ҳавасмиди? Нима туртки берди?**

— Талабалик давримда француз адабиётини кўплаб асарларни катта қизиқиш ва зўр иштиёқ билан мутолаа қилгандим. Айниқса, Эмил Золянинг «Ҳамал», Жюль Верннинг романлари, Стендалнинг «Қизил ва қора», Экзюперининг «Кичкина шахзода»,

Камонинг «Вабо» асарлари мени ҳайратга солган эди. Уларни қандай қилиб ўзбек тилига ўғиртиш, таржимонлар қандай муаммоларга дуч келишган, мен ҳам таржима қила оламанми, деган саволлар мени қизиқтирар эди. Дарслар жараёнида устозимиз доцент Абдумурод Кўчибоевнинг сабоқларини кунт билан тинглардим, домла ўзи амалга оширган таржималарни ўқиб берганида устозимдек таржимон бўлишни орзу қилардим. Яна бир устозимиз, моҳир таржимон Муродхон Эргашевнинг дарсларида қатнашиб, таржиманинг ўзига хос жиҳатлари хусусида айтган ҳар бир гапини хотирамда сақлаб қолишга уринардим.

# Адолат йўлидаги кураш одамзод болалари чекина тушиши мумкин бўлган энг шарафли ва машаққатли қисмат. Ғалаёнли денгиз тўлқинларининг унсиз қоялар билан азалий баҳсини ёдга солувчи бу ҳаётини жараён нима учун машҳур олимпон драматурги, ёзувчи ва шоир Генрих фон Клейста (1777-1811) сира тинчлик бермаган мавзуга айланди?

Саволга жавоб топиш мақсадида административ узоқ давом этмаган, аммо мазмунли ижодида назар соларканмиз, бир қарашда арзимас бўлиб кўринган қонунбузарлик охири-оқибати бутун ҳамият ҳаётини вайрон қилишга қадим ёвуз кучга эврилиши мумкинлигини англаймиз. Европа маърифатпарварлик адабиёти вакиллари билан бир даврда қалам тебратганига қарамай, мохияти руҳиятига кўра романтизм намоёндалари яқин турувчи Клейст инсониятни асрлар оша қийнаб келаятган муаммоларнинг асосий сабабини қонун ва жамият ўртасидаги зиддиятда кўради. Ёзувчининг пойтахтимиздаги Ўзбекистон Ёшлар театрида тақдими бўлиб ўтган "Михаэль Кольхаас" новелласи асосида сахналаштирилган (Франциска Штайофинг инс-

кураш муаммоси ҳеч қачон ўз ахамиятини йўқотмаслиги таъкидланади. Томошанинг авж сахналарида Кольхааснинг шахарларга ўт қўйиб, тўппончасини осмонга ўқталганча юксак минбарга кўтарилиши Голливуд триллерларию жангари филмларидаги қаҳрамонларни ёдга солади. У ғўки Робин Гуду Зорро сингари тутқич бермас қасоскорларнинг замонавий кифёсига кириди.

Спектаклда қўлланган ифода воситаларига янада чуқур назар соларкансиз, улар шакли мазмунига кўра пост-модерн санъатига хос ўйинга, шўхли-гу абсурдга асосланганини англайсиз. Бу, айниқса, актёрлар ихросида яққол кўринади. Томоша давомида гавдаланувчи йигирмага яқин қаҳрамонлар уч-

нишларини янада бойитиб, ижрода нозик юмор, жайдарилик ва жиддийликни уйғунлаштиради. Актёр спектакл ритмини яхши ҳис қилгани учун кифё ва характерлар алмашинувида табиийлик бўзилмайди. Юнкер Фронк Тронка тимсолида энгилталкигию айш-ишратга ўчлигини намойиш этганча "Cheri, cheri Lady" кўшигини жонли овозда куйлаётган актёр қаршисига арз билан келган Кольхаасга кўзи тушгани ҳамоно совуққон кифёга кириб, манфаатпараст амалдор никобини қи-яди. Томошабинда беихтиёр кулги уйғотувчи бу турланиш шундай табиий-

тёрнинг ўтли нутқи ғўё спектакл мотирини ўт олдиришга ёрдам берувчи ўзига хос ёқилги сифатида хизмат қилишига қарамай, тарихий қаҳрамон сиймосида совуққонлик еттишмагандек табиийлик бўзилмайди. Зеро, Кольхаас шунчаки ғазаб отига минган ғалаёнчи эмас, балки ўз даврининг зиёли ишбилармони. У атрофида одамларни бирлаштириб, ҳарбий тўқнашуларда Мейс-сенс шахзодаси ҳамда Виттенберг ландфохт(хоким)ини чекинишга мажбур қилади. Ўз ҳаракатларини изоҳлаш мақсадида бир неча мандатлар эълон қилиб, курашига ҳатто диний тус беришга боради. Ўшбу омилларни ҳисобга олган ҳолда, актёр ҳар бир

## Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

сахнада тушовини узган ёввойи тулпордек ғалаёнли туйғуларга эрк бермай, исён оловини қадамба-қадам ўстириб бориб, авж нуктада бор кучи билан алангалатиши, вақти келганда қаҳрамонига хос мулоҳазали ва совуққон характерни намойиш қилиши лозим эди.


Спектакл бадий кифёсини яратишда расом Филип Кифернинг хизмати катта. У сценографик ечимда ўтмиш ва бугунги кун ўртасида уйғунлик топиш билан бирга, режиссёрлик топилмаларию актёрлик ихросига қулай муҳит яратди. Бир қарашда оддий кўринишдаги темир жавонлар воқеалар давомида хилма-хил вазифаларни бажариб, охир-оқибат адолат йўлида тўсиқ бўлган "темир девор"га айланиши чуқур мазмунга эга. Томоша давомида актёрлар чироқлар ўйини ҳамда композитор Виталий Аминов мусикаси билан уйғун ҳолда темир деворларни уриб, ўзига хос уруш ноғораларини қоқишади. Бутун сахнани титратувчи кескин оханглар спектаклнинг драматик руҳиятини янада бойитиб, томошабинларни оғоҳликка чорловчи даъват бонгидек жаранглайди. Худди шундай тағ маънони тулпорларни ифодаловчи велосипедлар, оддий шам даражасида кирчайган кўзголон машъаласи, воқеалар сўнгида вайрона кўринишга келган сахна майдони тимсолида ҳам кўрсатди. Айниқса, Кольхааснинг қатл этилиши сахнаси ўта таъ-

# МАНГУ ДАЪВАТ БОНГИ

### Ўзбекистон ҳамда Германия Ёшлар театрлари ҳамкорлигидаги халқаро лойиҳа асосида сахналаштирилган "Михаэль Кольхаас" спектакли тақдими ҳақида уйлар

ценировкаси асосида) спектакл ҳам адолат тантанаси нақадар мураккаб ва фожийи курашга айланишини намойиш этди.

Немис адабиётининг мумтоз намунасига айланган адабий асар икки юз йилдан охиқ тарихи давомида кўп бора турли талқинда сахна озини кўрганга қарамай, Гейдельберг Ёшлар театрининг истеъдодли режиссёри Франциска-Тереза Шютц томонидан ўзбек актёрлари ихросида биринчи бор сахналаштирилгани эътиборга лойиқ. Бойси, новелла воқеалари шунчаки бадий тўқима бўлмай, XVI аср ўрталарида Европада Реформация жараёни авж олган паллада Бранденбург курфюрстлигида яшаган от жаллоби Ганс Кольхаас тақдирини ҳақида ҳикоя қилади. Икки тулпорини ноқонуний ишлатган маҳаллий амалдор юнкер Фронк Тронкани жазолаш орқали ўз кучи билан адолат ўрнатишга қарор қилган бу реал тарихий шахс Саксония курфюрстлигини ларзага келтирган катта исёнга бошчилик қилади. Клейст новелласида ушбу воқеа кенг қўламада талқин этилиб, олимпон жамиятида илдиз отган иллатларни фош этиш билан бирга, дённати ва ҳалол инсон фожиасини, адолат йўлидаги адолатсиз кураш охири-оқибат жазолат ва шафқатсизликка олиб келишини кўрсатади.



актёр томонидан ўйналади. Ижродаги бундай шартлилик майда деталларга бой новелла воқеаларини яқлит бир жараёнга жамлаб, томошага шиддатли руҳ бағишлайди. Тезкорлик билан алмашинувчи сахналар билан уйғун тарзда қаҳрамонлар нутқи, хатти-харакатларию либослари ҳам ўзгариб боради. Бир сўз билан айтганда, спектакл актёрлардан катта тайёргарликни, бадихаўйлик ва импровизацияга кенг мурожаат қилишни талаб қилган.

Масалан, Кастелян, Лисбет, Фон Гейзау, Мейссенс шахзодаси, Лўли аёл сингари турли феъл-атворга эга қаҳрамонларни гавдалантирган Лайло Саид ўгли нутқ имкониятлари ҳамда пластик ҳаракатлардан усталик билан фойдаланади. Актриса баъзи ҳолларда ўз қаҳрамонларига бирёқлама ёндошгандек туюлса ҳам, ҳар бир ролда ўзига хос сўзини айтишга эришади. Фақат от жаллобининг рафиқаси Лисбет сиймосини яратишда ижодкорга биров аёллик назокати, турмуш ўртовига нисбатан ҳамдардлик етишмагандек, назаримизда. Қўриқчи идора хизматчиларининг ўхшаш қолипдаги роллари билан кетма-кетликда жонқуяр она кифёсига тезликда кириш актрисага қийинчилик туғдирганга ўхшайди.

Асосан юқори лавозимдаги амалдорлар образини яратган Анвар Картаев эса нутқ ва пластикадаги изла-

истагида телбага айланмаган олийнасаб тура тиз чўкиб, Кольхааснинг барча айбларини кечириб, розилик билдиради. Турфа характерларга бехато йўл топа олиш маҳорати А.Картаевга от жаллобининг содиқ хизматчиси ҳисобланган Херзе каби жайдари қаҳрамонлар билан кетма-кетликда Мартин Люттер сингари мутафаккир олимнинг мулоҳазакор сиймосини ҳам муваффақият билан яратишга имкон бергани эътиборга лойиқ.

Спектакл бош қаҳрамони Михаэль Кольхааснинг Шерзод Эгамназаров ихросидаги талқинига келсак, ёш жаддига фақат биргина рол топширилгани режиссёрлик ечимини нукта назардан муҳим аҳамиятга эга. Бу орқали шартли ижродаги бошқа қаҳрамонлар орасида Кольхаас образига алоҳида урғу беришга ҳаракат қилинган. Негаки, арзимас бир қонунбузарликка чек қўйишга интилган от жаллобининг севимли рафиқасидан айрилишю зolim амалдордан қасос олиш ниятида исёнчиларга бошчилик қилиши ва охири-оқибат ўз тақдирини суд хужмига топшириши жараёнини сахнада тўлақонли акс эттириш осон эмас. Ш.Эгамназаров Кольхааснинг исёнкор табияти, қалбини ўртаган изтиробларни кўшигини эхтирос, кескин хатти-харакатлар уйғунлигида очиб беради. Ўрни келганда томошабинлар орасига кириб, мулоқот қилади. Ак-

сирли кўринишга эга. Раэмзий маънода қатл кундасига яқинлашган исёнчилар сардори қаршисида кутилмагандан темир жавон эшиги очилиб, кўзни қамаштирувчи нур таралади. Еруғликка чўмган кўринишда ўзга оламга қадам қўйган қаҳрамон томошабинларга мазмунли назар солганча, кескин ҳаракат билан жавон эшигини қарсиллатиб ёпадию ҳаёт нурини ифодалаган ёғду бутунлай сўнади...

Шубҳасиз, "Михаэль Кольхаас" спектаклида постмодерн санъатда кенг тарқалган ёндашувлардан бири қўлланиб, ижтимоий аҳамиятга эга долзарб муаммага мурожаат қилиш орқали томошабинга ўзига хос "message", яъни мактуб йўлланди. Уни қандай ўқиш, мулоҳаза юритиш ва жавоб бериш томошабинга ҳавола. Зеро, Бранденбурглик от жаллобининг адолат йўлидаги кураши ортида инсониятга тинчлик бермай келаятган шундай бахтли муаммолар борки, оравдан яна беш аср ўтиб ҳам уларнинг ечимини топилмас ажаб эмас. Кольхаас ҳар қандай вазиятда ҳам адолат учун курашишни истади ва шунинг учун ҳам вадодлар ёдидан ўчмас қаҳрамонга айланади. Гарчи тақдир фожияли яқун тоған бўлса ҳам, адолат йўлидаги тўғри қалбларни ҳаяжонга солувчи даражада ҳайратланарли ва ғўзал эди...

Азиз ИМОВОВ

Улуғ аждодимиз Мирзо Улуғбек ўрта асрлар Шарқ Уйғониш даврининг буюк намоёндаларидан бири сифатида бобоси Амир Темури салтанатининг бош худуди бўлган Мовароуннахрни барқарор сақлади, улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Аммо унинг бу ишларига қаршилиқ қилган, салтанатни ўзига оғдириб, мамлакатни ўз худбин оҳишлари туйфайли таназулга бошлаган кучлар мажбур эди. Бу курашларнинг тепасида мутаассиб Мирзо Абдуллатиф турарди. Ота ва фарзанд ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, маърифат ва жазолат кураши атоқли шоир ва драматург Мақсуд Шайхонда қаламига мансуб "Мирзо Улуғбек" драматик бош мавзусидир.

Шоҳ ва олим, ота ва адолатли ҳукмдор бурчлари орасидаги изтироблар, мураккаб муносабатлар, ёрқин эхтирослар, олам ва одам ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар "Мирзо Улуғбек" тарихий фожия-

## Тақдимот

### "МИРЗО УЛУҒБЕК" ДРАМАСИ САМАРҚАНД САХНАСИДА

си эскирмас гоёвий-бадий баркамол асар сифатида ҳозир ҳам муҳим аҳамият касб этишининг асосий сабабидир. Яқинда Х.Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусикали драма театрининг ижодий жамоаси маъруза фожия асосида спектакл сахналаштиришиди. Спектаклдаги асосий образ — Мирзо Улуғбек ролини Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиллов маромига етказиб ўйнамоқда. Асарда — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ва тажрибали актёрлар, йиғирмадан ортиқ умидли ёш истеъдод эгалари турли образларни талқин этишди. Саҳна асаридида жонли кўшиқлар театрининг вокал артистлари, рақслар эса балет жамоаси томонидан ижро этилмоқда. Асардаги айрим сахна кўринишлари адабиётшунос олим ва драматург Шухрат Ризаев томонидан қайта ишлов берилган. Саҳна бе-зақлари ва либослар Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, му-саввир Шухрат Абдулмуқимов томонидан ишланган. "Мирзо Улуғбек" тарихий драматик таниқли режиссёр, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Олимжон Салимов томонидан сахналаштирилди.

## УСТОЗ САНЪАТКОРГА БАҒИШЛАНДИ

Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабида хор ижрочилиги бўйича вилоят фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими, вилоят халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган маъруза тадбир Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутаваккил Бурхонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланди. Фестивалда Болалар мусика ва санъат мактаблари, ўрта таълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасаларнинг ёш иж-

рочи ва хор жамоалари қатнашди. Улар А.Орипов шеъри, М.Бурхонов мусикаси билан яратилган "Ўзбекистон мадҳияси", Ш.Саодий шеърига М.Қодиров басталган "Ватан" кўшиги ва ўзлари танлаган асарни ижро этди. Бухоро шаҳридаги 5, 2-болалар мусика ва санъат мактаблари хор жамоаларининг ижро маҳорати ҳайбат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Фестивал якунида голибларга диплом, фахрий ёрликлар билан эсдалик совғалари топширилди.

Д.ҚОДИРОВА

## ОҲАНГЛАРДА БАҲОР НАФАСИ

Консерваториянинг катта залида Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Феруза Абдурахимованин шогирди Улуғбек Исаевнинг "Баҳор нафаси" номли хисобот концерти бўлиб ўтди. Концертда давлат академик халқ чолғулари оркестри, "Нихол" мукофоти совриндорлари Маъсума Дондубоева, Гулсалат Абдуллаева, халқаро ўрик-танловлар лауреатлари Василони Болтабоева, Рустам Алимардонов, Жавлонбек Гуломбеков ва Шоҳрух Абдуллаев каби ёш истеъдодлар ихросидаги "Ўрик гуллаганда" (М.Левиев мусикаси, Х.Олимжон сўзи) кўшиги, Монтининг "Чардаш" асари, Моцартниинг "Съҳрилай най" операсидан "Тун маликаси" арияси, "Изҳор" асари тингловчиларга завқ бағишланди. Дастур якунида М.Болтабоева ва Р.Алимардонов томонидан ижро этилган М. Левиевнинг "Ҳаёт" кўшиги йиғилганларга манзур бўлди. Концерт сўнгига қатнашчилар томонидан ташкил этилган сумалек тақдими томошага баҳор кайфиятини улашди.

Мадиана АХМАДАЛИЕВА

# БЕЛБОҒ ТИКДИМ ЁРГА ДЕБ...

Белбоғ йигит кишининг ор-номуси, мардлиги, садоқати каби чуқур рамзий маъноларни ўзида мужассам этиб, эл орасида у билан боғлиқ ажиб ривоятлар юради. Халқимиз мард ўғлонларини "Белида белбоғи бор йигит", деб атайдими ва бу, албатта, бежиз эмас.

Ўзбек миллий белбоғлари қачон пайдо бўлгани номаълум, аммо уни қадим-қадимдан эркаклар, ёшу кекса белига боғлаб юрган. Белбоғлар ҳам худди ўзбек дўппилари сингари халқ байрамлари, тўй-тантана, маросимлар билан боғлиқ ҳолда халқимизнинг қундалиқ турмуш маданиятига сингиб кетган.

Белбоғдўзлик каштадўзликнинг ўзига хос бир йўналиши сифатида устоз-шоғирдик аънаналари асосида авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаятган миллий безак санъатининг ажралмас қисмидир. Белбоғ атлас, парча, шойи, сатин каби матолардан тайёрланиб, каштадўзликнинг ўзига хос безак чок услублари қўлланади. Хунарманд-чеварларнинг ижодий тажрибаси ва ижод маҳсули сифатида белбоғ кашталари учун ҳам ранг-баранг, жозибали нафис нақшлар яратилган бўлиб, ўз мазмунига кўра нақш номи, баъзан жой номи янада кўп қизларнинг исми билан аталади. Уларнинг "бодомча", "шаҳари", "хуноба", "анджон", "маргилон", "қашқари", "қайчи", "шоҳча", "келин-куёв", "бахор", "қалдирғоч", "чаён гули", "арра" каби қўлбал нусхалари мукамаллиги, каштасининг жозибadorлиги билан эътиборни тортади.

Хозирги кунда ҳам Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ҳамда водий вилоятларида қизлар, келинчаларнинг ўз ёрларига белбоғ текиб, совға қилиш одати сақланиб қолган. Халқимиз орасидаги бундай нозик урф-одатлар замирида ифрат-ибобили қизу жувонларимизнинг ўзига хос кўнгли изхори мужассам.

Беради. Белбоғининг учини қимтиб, яшириб боғлайдиганлар эса озги маҳкам, сирини ҳар қимга айтмайдиган, эҳтиёткор инсон, дея қаралади. Белбоғ соҳиби боғлаган белбоғининг ранги, матоси, кашта чок усулларига қараб унинг қандай мақсадда (тўй-тантана ёки бирор маросим муносабати билан) белбоғ боғлаганини билса ҳам бўлади. Халқимиз дунёни англашдаги теран фалсафий қарашларини ички бир нафосат билан ўз ижоди намуналарига сингдиришга интилиб келган. Жумладан, белбоғ ва унинг кашта нақш унсурлари, унда ишлатилган ипак ранглига ҳам турли рамзий маъноларни жо этишга ҳаракат қилган.

## Қадриятларимиз

Халқимизда шундай кўшиқлар бор: **Кашта тикдим тўрт гуллиқ, Ипаги турли, турлик. Мехримини бериб тикдим, Бўлмасин деб, тўрт қуллиқ.** \* \* \* **Кўнглимни изҳор этдим, Гул нақшдан ўқисин. Белбоғини ташласа, Қуш тилидан чўқисин.** \* \* \* **Белбоғ тикдим ёрга деб, Белига боғлаб олсин. Биздан ўзгани деса, Қалби доғланиб қолсин.** Каштадўзлар белбоқка кашта тиканларига удумларга кўра, кўз илғамас бир жойини чала қолдиради. Бу чеварнинг иши шу жойда тугаллангани, хали бардавонлигига ишорадир. Белбоғнинг тўрт томони дунё томонларига қўйилган. Бу тўрт томон бир-бирига қиоинот сирлари асосида ўзаро



Йигитларнинг белбоғи белига боғлаш усуллари ҳам ҳар бир худудда ўзига хос кўриниши билан ажралиб туради. Тошкентда белбоғ икки буклаб ёзиб, рўмолча шаклида қиялатиб белга боғлана, кўнлик, маргилонлик йигитлар аввал бураб, бир учини иккинчи учига қадаб, бирлаштириб бурчагидаги гулини кўрсатиб, рўмолча шаклида боғлаш удуми мавжуд. Сурхондарёда эса белбоғ "белқарс" деб аталади. Бу ҳам бежиз эмас, чунки сурхондарёлик йигитлар белбоғини аввал ҳавода "қарс" эткизиб қоқиб, сўнгра белга маҳкам боғлайдилар. Бу одат маълум маънода эркак, яъни марднинг белини тутиб турувчи белбоғнинг сифати, мустаҳкам эканини билдиради. Улар белбоғни кўп қатламай, икки томони, яъни авра ва астар томонидаги кашта гулини хивёл кўрсатиб, бурчагини бир-биридан қиялатиб боғлайдилар. Бунда белбоғнинг ўнгу чапидаги каштаси кўзга ташланиб туради. Сурхондарёда белбоқка кашта тикишда ўзига хос чок усули мавжуд бўлиб, унда кашта чоки белбоғ матосининг ўнг ва чап томонида бир хил қилиб тикилади. Йигитлар белбоғининг икки тарафини кўрсатиб боғлаши белбоғ тиккан чеварнинг санъатини намойиш қилишга ишорадир.

узвий боғлиқ эканини англалади. Белбоғларнинг каштаси асосан қарама-қарши икки бурчагига тикилади ва шу бурчаги қилиб боғланади. Бу икки қалб бир-бирига интилиб туришини билдиради. Белбоғ каштасининг четидида икки ёнма-ён чизақ инсон умр йўлига қиёс этилган бўлиб, бу йўлда шодлик ва қайғу, яхшилик ва ёмонлик, дийдор ва хижроннинг доимо ёнма-ён юришига ишора қилинган. Ундаги "сув" чокининг маъноси, инсон умри бир жойда тўхтаб турмаслиги, сув каби доимо ҳаракатда эканини билдиради, сувнинг ўзи ҳаёт мавжудлиги асосларидан бири — тириклик манбаи эканини англалади.

"Қалдирғоч" нусхаси баҳор элчиси, эзгулик, яхшилик, тўкин-сочинлик улашувчи қуш — қалдирғочга қиёслаб тикилган. Кимгаки қалдирғоч нусхали белбоғ совға қилинса, унинг оиласига тотувлик, файзу барака, хотиржамлик, хушнудлик каби самимий тилақлар, дуолар изхори баён қилинган. "Баҳор" нусхали белбоғ асосан ёш йигитларга атаб тикилган ва Наврўз байрамида совға қилинган. Бу каби гул нусхасида баҳорий янгилиниш, уйғониш, свғи-мухаббат тарафун этилган. Ижодкор халқимизнинг қанчадан-қанча сирли нақшлар, суратлар тарихини ўзида мужассам этган момомерос кашта усуллари орқали безак бериб тайёрланган дўппи, белбоғ каби буюмларга разм солар экансиз, уларда халқимиз маънавий дунёси, маданияти, нафосатини акс эттирувчи ажиб руҳиятини туясиз. Айнан шу руҳият ўсиб келаятган ёшларимизда қадриятларга, касб-хунарга ҳурмат, мухаббат, бунёдкорлик каби фазилатларни, миллий гурур, ифтихор туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Халқ усталарининг айтишича, белбоғнинг қандай боғлангани ўз соҳиби тўғрисида маълумот бериб туради. Масалан, полвонлар ва давлатманд одамлар белига белбоғни бураб боғлаша, ўзига ишонган, гайрат-шижоватли йигитлар белбоғни боғлашдан олдин қарсиллатиб қоқиб, сўнгра белини маҳкам сиқиб боғлар экан. Агар белбоғ белга маҳкам сиқиб боғланган бўлса, эгасининг серҳаракат, чаққон ва жўмард эканини билдиради. Аксинча, белдаги белбоғ бўшанг бўлса, соҳибининг беғам, кенгфеллигидан дарак

Дилором МУРОДОВА, санъатшунос

